

# **Мулокот**

# **психологияси**

## **Режа:**

- 1) Мулоқот психологияси.**
- 2) Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.**
- 3) Мулоқотда самарали таъсир этиш психологияси.**
- 4) Мулоқотдаги психологик қоидалар**

# **МУЛОҚОТ НИМА?**

**Мулокот - одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради.** Шунингдек, мулокот ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, инсонлар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш, идрок қилиш, тушниб олиш ва баҳолаш жараёни ҳисобланади.


**Мулокот жараёни шахсларнинг қизиқишлари, дунёқарашлари, муомла ва маданиятлари билан узвий боғлиқ.**

# **МУЛОҚОТ ЖАРАЁНЛАРИ**

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;**
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;**
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;**
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;**
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;**
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.**

# **Мулоқотнинг мақсадлари**

**Фактларни ва шахснинг бу фактларга бўлган муносабатини аниқлаш.**



**Тарбиявий мақсад, яъни мулоқот тарбиявий таъсирга эга бўлиши керак.**



**Зиддиятли ҳолатларда мулоқот ўрнатиш, бунда иккала томоннинг қизиқишилари бир жойдан чиқмаслиги натижасида мулоқот шакли юзаки, расмий бўлиб қолишининг олдини олиш.**

# МУЛОҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1

- Сұхбатдошларнинг ўзаро бир - бирини тушунишларини таъминлаш;

2

- Ижтимоий тажрибага асос солиш ;

3

- Одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш, рухлантириш.

# **МУЛОКОТ БОСКИЧЛАРИ**

- 1. Одамнинг ўз-ўзи билан мулокоти;**
- 2. Бошқалар билан мулокот;**
- 3. Авлодлар ўртасидаги мулокот.**

## **Мулокот турлари ва кўринишлари**

- 1. Расмий;**
- 2. Норасмий;**
- 3. Шахсий;**
- 4. Ижтимоий йўналтирилган;**
- 5. Кишига ёки предметга йўналтирилган,  
бевосита «юзма - юз» бўлиши;**
- 6. У ёки бу *техник воситалар* (телефон, телеграф  
ва шунга ўхшаш) орқали;**
- 7. Фаолиятда *амалий* ёки *дўстона* мулокот;**
- 8. Субъект - субъект типли (диалогик, шерифлик)  
ёки субъект - объектли (монологик) бўлиши  
мумкин.**

# Нутқ қўринишлари

- ❖ Нутқ (ёзма, оғзаки). Тил воситасида олиб бориладиган мулокот *вербал*, яъни сўзли дейилади.
- ❖ Мулокот жараёнида *новербал* воситалардан: турли хил ҳаракат, қилиқ, ҳолат, кулгу, оҳанг, тўхташ (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодаларидан фойдаланилади, улар мулокот жараёнини янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулокотнинг ўрнини босади.

# Мулоқотнинг психологияк тизими ёки томонлари

- 1. Коммуникатив томони*** (яъни мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни)
- 2. Интерактив томони*** (яъни мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-авторлариға таъсир жараёни)
- 3. Перцептив томони*** (яъни мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлик психологик жараён)

# Муомалада психологик таъсир

**Психологик таъсир** - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти - ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

**Вербал таъсир** - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар **сўзлардир.**

**Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради

**Новербал таъсир** - Бунга сухбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қараашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа ва сигналлар киради.

**Америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган сухбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига ганирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиласкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичидаги юрган бир мақол тўғри: «Уст - бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».**

# **Мулоқот жараёнида психик ҳолатларни намоён бўлиши**

Шахснинг психик жараёнлари кайфияти, ҳоҳиши, мимика, имо-ишоралари мулоқот жараёнида катта аҳамиятга эга бўлиб, улар бераётган ахборотга қараб мулоқот юритувчини воқеа-ҳолатга нисбатан ҳаққоний ёки ясама муносабатини аниқлаш мумкин. Уларни кўра билиш, баҳолай олиш муҳимдир. Бунинг учун нима қилиш мумкин?

Бунинг учун **биринчидан**, мулоқотга киришиш олди тайёргарлигидан ўтиш, сухбатдошнинг дунёқраши, темперамент хусусиятлари, ақлий фаолияти, мулоқотнинг қай турига лаёқати, айни шу пайдаги кайфияти, қайси усулда мулоқот самарадорлигини ошириш мумкинлигини баҳолай олиш қобилияти аҳамиятга эга восита ҳисобланади.

**Иккинчидан**, сухбатдошнинг фикрини сизни қизиқтираётган масалага йўллаш ёки йўналтириш усулларини қўллаш, улардан унумли фойдаланиш. Мулоқотга қизиқиш уйғота олиш.

**Манера** – кишининг ўзини тутиши, унга қараб шахснинг тарбияси, жамиятдаги ўрни, ўзига баҳо бериши, атрофдагиларга муносабатини аниқлаш мумкин.

# **Мулокотдаги психологик тўсиқлар**

***Мотивацион тўсиқ*** – мулокотга киришишдан бош тортиш, муомала одобидан четга чиқиш.

***Ақлий тўсиқ*** – сухбатдошнинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантикий фикрлашининг чуқурлиги, ҳуқуқий саводхонлиги.

***Ҳиссий тўсиқ*** – тажовуз, қўрқув, асабийлик, ўзини тута олмаслик ва ҳақлигини исботлашга асоссиз ҳаракат қилиш.

***Тарбиявий тўсиқ*** – тарбияси қийин ўсмирлар, носоғлом муҳит шароитида тарбияланган шахсларни бирор илғор фикрга йўналтиришнинг қийинлиги.

**Бўлајсак мулокотни башорат қилиш.** Психологияк алоқа ўрнатишнинг самарали бўлишида дастлабки режаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мулокотга киришувчи шахс тўғрисида бирламчи маълумотларга эга бўлиш зарур.

**Мулокотни енгиллаштирувчи ташқи омилларни (шароитларни) яратиш.** Нутқ маданияти, мимика, ташқи кўриниш психологияк алоқа ўрнатишида ижобий натижа беради. Масалан, сухбат юритувчининг ўзини тутишига қараб сухбатдошда эмоционал ҳолатлар юзага келади. Сухбатдош билан мулокот бошиданоқ ҳамфикр бўлишга ҳаракат қилиш керак.

**Умумий ва барқарор қизиқишилар доирасини аниклаш.** Мулокот бошида шахс билан умумий тил топишга ҳаракат қилиш даркор, умумий қизиқишиларнинг борлиги эмоционал турғун ҳолатга олиб келади. Бу ўз-ўзидан сухбатдошни самимий бўлишга ундейди, психологияк иқлимни мўътадиллаштириб мавқени тенглаштиради.

**Муомаладаги оғишлиарни бартараф этиши** психологияк алоқа ўрнатишнинг мажбурий омили ҳисобланади. Бу мулокотга бегона шахсларнинг аралашиши, хонада бегоналарнинг борлиги мулокотнинг кечишига халақит беради ва хиссий зуриқишиларни келтириб чиқаради.

**Индивидуал (алоҳида) таъсир этиши.** Психологияк алоқа ўрнатишнинг якуний босқичи ҳуқуқшуноснинг сухбатдошига алоҳида таъсири ҳисобланади. Бу таъсирнинг асосий мақсади керакли, ишончли маълумотларни олиш.

# Тинглаш техникаси

**Актив холат.** Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга bemalol ястаниб ёки ётиб олмаслик, сухбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигингилини билдиришни назарда тутади;

**Сухбатдошга самимий қизиқиш билдириш.** Бу нафақат сухбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

**Ўйчан жимлик.** Бу сухбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзингизнинг сухбатдан манфаатдорлигингилини билдириш йўли.

## **Нутқнинг ҳиссий психологияк жиҳатлари**

1. Жамоа ёки муроқот иштирокчиси олдида ҳаяжонланмаслик, айни пайтда ҳиссизлик ифодаси ҳам бўлмаслик керак.
2. Ҳиссий қўзғалувчанликнинг юқорилиги – сўзларни шошиб, тез бақириб талафуз қилиш, бўлиб-бўлиб гапириш, билмай мантиқан нотўғри тузилган сўзларни ишлатиш, жуда кўп имо-ишораларга йўл қўйиш, гапириш суръати ва тезлигини бошқараолмасликда намоён бўлади ва албатта бу тингловчига салбий таъсир кўрсатади.
3. Нутқ экспрессив усулда (ҳиссий йўналтирилган ҳолда) баён қилиниши зарур, бир ерда михланиб туриш мақсадга мувофик эмас.
4. Имо-ишорлардан унумли фойдаланиш маълумотларнинг қабул қилинишини 30 % га оширади.
5. Нутқ сўзлаганда умум эътироф этилган қоидалардан бири баланд овозда (бақириб эмас), ўзига ишонч ҳисси билан үйғунликда сўзлаш.

- **Холерик темперамент** ҳиссиётнинг тез, кучли қўзғалувчанлиги ва барқарорлиги. Бундай кишиларнинг ҳиссиётлари ташқи кўринишларида намоён бўлади, қизиққонлик, тажангликка мойил, чаққон, ҳаракатчан, серғайрат, уринувчан, кайфияти барқарор давомли бўлади. Улар жанжалкаш, тез ва осон қўзғалувчан тип ҳисобланадилар. Бу типга мансуб кишиларнинг хулқ ва кечинмалари айланувчан, ўзгарувчан бўлади. Улар ўз мақсади йўлида ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тайёр бўладилар. Бирор ишга ишончи йўқолса, ҳеч нимага қўл урмайдилар. Улар иродали, ҳаракатлари шиддатли, тез тутилиб-тутилиб гапиришга мойил ва ўта қўзғалувчан, ҳиссий фаол. Узини тута олмайдиган, қўрс, тўғрисўз ва қўпол бўладилар. Уларнинг юз тузилшида кескинлилик, қаҳрлилик, қатъий нигоҳ, лаблари қалин, юз ранги тўқ ёки сарғиш бўлади. Сочлари кўп, ингичка бўлади.

# *Сангвиник темперамент*

Ҳиссиётининг тез, кучли қўзғалувчанлиги, лекин бекарор бўлиши билан фарқланади, кайфияти тез ўзгариб психик жараёнлари тез ўтади. Бу хил темпераментли шахслар илдам, серҳаракат, жўшқин бўлади. Улар теварак атрофдаги воқеликдан тез таъсирланадилар, ишга ғайрат билан киришиб тез совийди, жуда ҳаракатчан, вазият ҳодисаларга осон мослашувчан, ҳаракатлари тез, диққатини тез кўчиради, янги инсонлар билан тез тил топа оладилар. Ҳиссиётлари, қизиқишлиари, интилишилари ўзгарувчан. Улар ёмон кайфиятдан тез қутуладилар, кўтаринки кайфиятда юрадилар. Бундайлар юз тузилишига кўра тўладан келган, думалоққа мойил, лабларининг ранги пушти, тишлари бир текис, соchlари оч тусли, қалин, юмшоқ, жингалакка мойил, кўzlари ёниб туради, кўпинча оч рангда, кўриниши хушчақчақ.

# *Флегматик темперамент*

Бу тип ҳиссиётнинг жуда секин, кучсиз қўзғалиши, узок давом этмаслиги билан фарқланади. Уларнинг ҳиссиётлари ташқи ифодаси заиф бўлиб, уларни хурсанд қилиш ёки хафа қилиш қийин. Психик жараёнлари суст, оғир, ювош, босиқ характерли ва салмоқли бўладилар. Улар сусткаш, лекин жуда ишchan ва сабрли, ўзини тута билади, муносабатлари турғун, мулокотга киришиш хусусияти ўртacha, бекорга гап сотмайдилар, уларни кулдириш ёки йиғлатиш жуда қийин. Улар ташқи таассуротларга берилмайдилар. Қийин вазиятларда босиқ бўлиб, ҳиссиётлари ташқи кўринишида акс этмайди. Юз тузилишига кўра уларнинг териси ва кўзларининг ранги оч рангда, кузлари учқунсиз, нигоҳи жонсиз, бефарқ, лаблари бўртиб чиққан (айниқса усткиси), соchlари кам, тишлари қийшиқ, ораси очик-очик бўлади. Умумий кўриниши ҳеч нимани англатмайди.

# *Меланхолик темперамент*

- Бундай шахслар ҳиссиётининг секин, лекин кучли қўзғалиши, беқарорлиги билан ажралиб туради. Булар кайфиятнинг барқарор, давомийлигига моиилдирлар. Ҳиссиётларининг ташқи ифодаси заиф, ишга бирдан киришмайди, лекин киришгандан сўнг охирига етказадилар. Уларнинг ҳаракатлари суст, пассив, ташқи таассуротлар, ташвишларга берилувчан. Бундай инсонлар нотаниш инсонлар орасида ўзини йўқотиб қўйишади. Асаб фаолияти юқори тормозланиш хусусиятига эга, ҳеч кимга, ҳеч нимага ишонмайдилар, воқеа-ходисаларнинг салбий тарафларини, хавфни кўпроқ кўрадилар. Юз тузилишига кўра уларнинг юз териси доим оқиш (қонсиз), баъзан сарғиш, юз суюклари бўртиб чиққан, лаблари ингичка, кўз-қошлари тўқ рангли, соchlари сийрак, нигоҳи ақллига ўхшайди, умумий кўриниши фикрловчи, қатъий ёки айёр, жаҳлдорлик, асабийлик аломатлари мавжуд бўлади.

# Шахс темпераментига кўра муомала қилиш

- **Холерик ва сангвиник** типидаги шахслар билан мулокот жараёнининг суръати, ритми бир мунча юқори бўлиш керак.
- **Флегматик типидаги** шахслар билан бир меъёрда сухбатга киришиш керак, мавзууни алмаштириш босқичларида фарқ кўринмаслик лозим.
- **Меланхоликларда** эса, тормозланиш жараёнининг кучлилигини инобатга олган ҳолда, аввал уларни сухбатга тайёрлаш (бироз мақташ, яхши тарафларини кўрсатиш, масаланинг ижобий тарафларини ёритиш, хавотир даражасини тушуриш), қўрқитиб юбормасдан яхши кайфият асосида сухбатлашиш тавсия этилади.

# Сўзлаш қоидалари

- бемаврид гапирмаслик;
- лутф ила юмшоқлик билан сўзлашиш;
- очик чехра билан гапириб, юзда самимийликни сақлай олиш;
- Эшитувчига малол келмайдиган тарзда гапириш;
- фақат фойдали гапларни гапириш.
- ўйлаб, андиша билан сўзлаш, ўйламай айтилган гап пушаймонлик келтиришини ёдда тутиш;
- кишилар гапираётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;
- кўп гапирмаслик, зеро, бу яхшилик аломати эмас.

# **Сұхбатдошга психологияк таъсир этиш усуллари**

- ◆ Сұхбатдошингизни фаолликка ундовчи аник саволлар беришга ҳаракат қилинг (ақлий ҳужум).
- ◆ Сұхбатдошга, унинг бераётган ахборотига ишонмаёттандек тикилиш.
- ◆ Шу нарса түғрими? Шундайми? Ибораларини ишлатиш орқали айтилаётган сўзларнинг кескинлигини сусайтириш.
- ◆ Йўқ деб айтишгаша имкон қолдирмайдиган ибораларни қўллаш (Сизнингча мен.... ми, ёки... ми? Сизга шундайлигича маъқулми ёки ...?, Сиз буни ўзингиз ... ми ёки ... ёрдами билан амалга оширдингизми? Каби сўз жумлаларни тузиш).

# **Сұхбатдоңға нұтқий таьсир этиш қоидалари**

- Аудитория ёки сұхбатдошингизни ўзингизга мосланғ? (сұхбат иштирокчилари ёки иштирокчисининг салоҳияти, кайфияти ва хусусиятларини инобатта олинг).
- Гапираётта ёки тушунтираёттан пайтингизда айтаёттан сўзларингизга тўлиқ ишончинингизни намоён қилишга ҳаракат қилинг.
- Сұхбатда нигоҳингизни тингловчига йўналтиринг. Бир нуқтага қараб қолманг, сизга тикилиб ўтирган нигоҳлардан қочишга ўрганманг, ҳаракат ҳам қилманг.
- Нутқингиз равонлиги ва тушунарлигига эътибор қаратинг.
- Сұхбатда сизни синаш, ўзингизни йўқотиш учун қилинган ҳар қандай хатти – ҳаракат олдида асло ожизлик қилманг. Берилган саволни билмасангизда ўзингизга қатъий ишонган ҳолда хоҳлаган жавобингизни беришдан чучиманг.
- Сұхбатдошингизнинг нозик жиҳатларини сұхбат жараёнида иложи борича арлаштирасликка ҳаракат қилинг.
- Сұхбатдошни эшитинг, тингланг, ёрдам беришга ҳаракат қилинг.
- Хушчақчақ бўлинг.
- Сұхбат жараёнида сұхбатдошингизнинг исмини айтиб мурожаат қилишга ҳаракат қилинг. Чунки инсонга ўз исмини эшитиш қанчалик ёқишини унутманг.
- Сұхбатдошингизнинг керакли инсон эканлигини, кишиларга фойдаси тегиши мумкинлигини кўрсатинг.
- Тортишув вазиятларида ғалаба қилишнинг энг осон йўли ундан воз кечиши эканлигидан келиб чиқиб, сизники маъқул деб қўйиш эканлигини унутманг.
- Сұхбатдошингизнинг фикрига ҳурмат билан қарапашга интилинг. Ҳеч қачон сизнинг фикрингиз мутлоқ нотўғри дея кўрманг.
- Сұхбатдошингизни сизга ҳа деб жавоб беришга ундашга ҳаракат қилинг.